

Фикҳ дарслари (131-дарс). Исломда шахсий озодалик (биринчи мақола)



16:27 / 08.04.2021 3325

«Истинжо» луғатда «ахлатни кетказиш» деганидир.

Фуқаҳолар истилоҳида эса нажосатни сув ва шунга ўхшаш нарса ила кетказиш ёки тошга ўхшаш нарса ила артишга «истинжо» дейилади.

هُيَ قُنْيٌ سَتَّحَ رَحَّحَ فَوَحَّ نَبَّ حِيَّ رَلَّ اَوْ مَوَّ نَلَّ اِزْيَغَ تَدَحَّ لُكَّ نَمُّ اَجَّ نَسَّ اَلَا
بَدَّ اُ هَلَّ سَعَّ مُمَّثَّ يَنْ يَمَّ يَوْثُ وَرَوْ مَطَّ عَبَّ اَلَّ هُنَّ س

عَبَّ اَصَّ اَلَّ اَنْ وُطَّ بَبُّ هَلَّ سَعَّ يَفَّ اِبَّ جَاوَفَّ مَهَّرَ دَرَدَقَّ نَمُّ رَثَّ كَأَّ جَرَّ حَمَّ اَلَّ زَوَاجَّ نِ اِو
وَرَكَّ وَ دَيَّ اَلَّ سَعَّ يُمَّثَّ اَعَّ اَلَّ اَبُّ مَبُّ هَجَّ حَمَّ اَيَّ خَرَّمَّ دَيَّ اَلَّ لَّ سَعَّ دَعَّ ب
ءَا لَّ خَّ اَلَّ يَفَّ اُ رَّ اَبَّ دَتَّ سَاوَّ لَبَّ قَلَّ اَلَّ اَبَّ قُ تَّ سَا

Уйқу ва елдан бошқа таҳоратни кетказувчи ҳар бир нарсдан тошга ўхшаш нарса ила истинжо қилиш суннатдир. Суяк, тезак ва ўнг қўл билан эмас. Сўнг уни ювиш одобдир. Агар у махраждан бир дирҳамдан кўпроқ тарқалган бўлса, ундан истинжо қилиш вожибдир.

Қўлини ювгандан кейин махражини муболаға ила бўшаштирган ҳолда, бармоқларининг ич тарафи ила уни ювади.

Кейин қўлни ювади. Халода қиблага қараш ёки унга орқасини қилиш макруҳдир.

Бу сарлавҳа остида келган маълумотларни «хало одоблари» десак ҳам хато қилмаган бўламиз. Ҳар бир кишининг кундалик ҳаётида бир неча бор такрорланиб турадиган бу муҳим амалга шариатда катта эътибор берилган. Бугунги кунда «шахсий озодалик» деб номланаётган ишни Ислом қадимдан қатъий тартиб ила йўлга қўйгандир. Келинг, ўша маълумотларни ўрганишга киришайлик.

Уйқу ва елдан бошқа таҳоратни кетказувчи ҳар бир нарсадан тошга ўхшаш нарса ила истинжо қилиш суннатдир.

Уйқу ва елдан бошқа ҳушидан кетиш, жиннилик, мастлик каби таҳоратни кетказувчи нарсалардан ҳам истинжо қилинмайди. Қолганларидан, агар нажас бир дирҳам миқдоридан кам бўлса, истинжо қилиш суннатдир. Кўпчилик уламолар истинжо қилиш эркагу аёлга суннати муаккададир, деганлар.

Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ишни доимо қилганлар.

لَا أَقَمَّ لَسَوْ وَهَيْلَعُ هَلَلَا لِيَصَّيْبَنَّ لَانَعُ ، هُنَّ هَلَلَا لِيَضَّرَّ رَهْ يَبَّ أَنْ ع
هُ أَوْ . «جَرَحَ الْفُؤَادَ نَمَوْنَ سَحْأُ دَقْفَ لِكَلِّ دَلَعْفُ نَمُ ، رَتُّوْ يَلْفَ رَمَّحَتْ سَا نَمُ»
دَمَّحْ أَوْ هَجَامُ نَبَاوْ دُوَادُ وَبَّأُ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким тош ила истинжо қилса, тоқ қилсин. Ким шундай қилса, яхши. Ким қилмаса, танглик (гуноҳ) йўқ», дедилар».

Имом Абу Довуд, Ибн Можа ва имом Аҳмад ривоят қилишган.

Суяк, тезак ва ўнг қўл билан эмас.

Бу ҳукмни фуқаҳолар қуйидаги шаръий далиллардан олганлар:

هَيْلَعُ هَلَلَا لِيَصَّيْبَنَّ لَانَعُ هَلَلَا لِيَضَّرَّ رَهْ يَبَّ أَنْ ع
يَلْعَبَّأُ «لَا أَقَمَّ لَسَوْ وَهَيْلَعُ هَلَلَا لِيَصَّيْبَنَّ لَانَعُ ، هُنَّ هَلَلَا لِيَضَّرَّ رَهْ يَبَّ أَنْ ع
هُ أَوْ . «جَرَحَ الْفُؤَادَ نَمَوْنَ سَحْأُ دَقْفَ لِكَلِّ دَلَعْفُ نَمُ ، رَتُّوْ يَلْفَ رَمَّحَتْ سَا نَمُ»
دَمَّحْ أَوْ هَجَامُ نَبَاوْ دُوَادُ وَبَّأُ

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатларига чиққан эдилар, ортларидан бордим. Одатда у зот ортларига қарамас эдилар. У зотга яқинлашган эдим:

«Менга тошлардан олиб кел, улар билан истинжо қиламан (ёки шунга ўхшашроқ гап айтдилар), суяк ёки тезак олиб келма», дедилар.

Кийимимнинг этагига тош солиб келтириб, ёнларига қўйдим ва ўгирилиб кетдим. У зот қазои ҳожат қилиб бўлиб, уларни ишлатдилар».

Бухорий ривоят қилган.

Шунингдек, бу икки нарсанинг хусусиятларига эга бўлган нарсалар билан ҳам истинжо қилиб бўлмайди. Суяк – таом чиқиндиси, тезак – ҳайвон чиқиндиси ҳисобланиши эътиборидан шу гап айтилган. Шунингдек, таом, кўмир, шиша, латта, дарахт баргига ўхшаш нарсалар билан ҳам истинжо қилиш макруҳдир.

Шундай бўлганидан кейин, фойдали нарсалар билан истинжо қилиб бўлмаслиги ўз-ўзидан маълум бўлади.

Баъзи қадимги уламоларимиз қоғоз билан истинжо қилишни макруҳ деганлар. Чунки уларнинг вақтида қоғоз камёб бўлган. Ҳозир ҳам фойдаланадиган қоғоз билан, хусусан, ёзуви бор қоғоз билан истинжо қилишга рухсат берилмайди. Аммо истинжо учун алоҳида тайёрланган қоғоз билан истинжо қилишга ҳамма уламолар рухсат берганлар. Чунки бундай қоғозлар айнан мана шу мақсад учун тайёрланган нарсадир.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди